

ИНГЛИЗ ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛЛАРИ КОМПАРАТИВ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРИ АНТОНИМИЯСИ

С.П.Сапаров – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: компаратив фразеологик бирлик, антонимия, адектив фразеология, структур тузилиши.

Ключевые слова: сравнительные фразеологические единицы, антонимия, адективная фразеология, структура.

Key words: comparative phraseology, antonymy, adjective phraseology, structure.

Қорақалпоқ ва инглиз тилларида фақат компаратив адектив фразеологик бирликлар компонентлар бирикиши нисбатан эркин бўлганлиги боис контекстуал ўзгаришга учраши мумкин.

Мақолада фразеологик антонимия муаммоси фразеологияда синонимияга қарама-қарши категория сифатида ёритилган ва у билан илмий жиҳатдан чамбарчас боғлиқликда ўрганилган.

Кўплаб тилшунослар илмий тадқиқотларини фразеологик антонимларни ўрганиш муаммосига бағишлаган. Айниқса, ушбу муаммони турли тиллар билан қиёсий ўрганиш замонавий тилшуносликда долзарб бўлиб қолди. Инглиз тилини бошқа тиллар билан қиёслаш мисолида етакчи тилшунослар Я.И. Гельбл, Н.М. Сидякова, К.М. Гулумянц, А.В. Кунин (рус ва Европанинг бошқа халқлари тиллари билан), Г.Х. Ахатова, Г.Б. Марданова (туркий тиллар билан) ушбу муаммони ўз илмий ишларида ўрганиб, қимматли хулосаларга келишган.

Фразеологизмларни ўрта кичик гуруҳга тақсимлаш қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги фразеологик бирликлар микрогизмлари ўртасида муайян ўхшашлик мавжудлигини кўрсатади. Иккала тилда ҳам салбий субъектив-баҳоловчи компонентли иборалар энг катта гуруҳни ташкил этади: инглиз тилида – тахминан 56 %, рус тилида – қарийб 57 % [5:119].

Фразеологик тизимларнинг умумий семантик асимметрияси, яъни салбий маъно томон силжишни тилшунослар (В.Д. Девкин, Н.Д. Арутюнова ва бошқалар) одамларда салбий ҳодисаларга нисбатан кескин ва фарқли эмоционал ҳамда нутқий-онгли реакция, шунингдек, стрессли, яъни кескин салбий ҳиссий ҳолатларда тайёр нутқий қолиплар, шу жумладан, барқарор ифодалардан фойдаланишга мойиллик борлиги билан изоҳлашади. Масалан: *as gaudy as a peacock – тоғус каби ранг-баранг, as deaf as a post – таёқдай силлиқ, as ugly as sin – ўлимдай даҳшатли*.

Инглиз тилининг фразеологик антонимиясини ўрганишда А.Н.Алехина «Антонимия нафақат фразеологик бирликлар хусусиятларида, балки уларнинг қарама-қаршилигини ифодаловчи умумий белгилари асосида юз беради», деб ҳисоблайди [2:11]. Шунингдек, унинг таъкидлашича, сифатлардаги антонимия жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлса, феъл фразеологик бирликлардаги антонимия ундан-да кам учрайди.

Инглиз ва қорақалпоқ тиллар қиёси кам амалга оширилганлиги сабабли биз ушбу мавзу бўйича илмий изланишга қўл урганмиз. Чунки, қорақалпоқ тилининг рус ва бошқа туркий тиллар билан қиёсий тадқиқи амалга оширилган (Науризбаева С.Т., Жумамуратов, Айназарова Г.Б.). Масалан, С.Т. Науризбаева «антонимик алоқа нафақат лексик бирликларга, балки фразеологик бирликларга ҳам хос» лигини таъкидлаб, қуйидаги маъноси қарама-қарши фразеологизмларни келтириб ўтади:[6].

Сөзге иешен – сөзге олақ; (сўзга чечан – сўзга нўноқ)

Айинда-жылында – қудайдың қутлы күни (камдан-кам – тез-тез).

Ақ көкирек – көкиреги қара (хушфеъл – ичи қора)

Кең пейил – пейли тар (мехрибон – феъл тор)

Жўзи қара – ақ жўзли (виждонсиз – виждонли)

Демак, фразеологик антонимия иккита ёки бир нечта алоҳида фразеологизмлар ўртасидаги қарама-қарши маъноларда юз беради.

Инглиз тилида:

A bad name – a good name; In heart – out of heart; A hell on earth – heaven on earth;

Қорақалпоқ тилида:

Қоян жүрек – ер жүрек; Салысы суўга кетиў (кеткен) – дарья тасса тобығына келмейтуғын; Қас пенен көздің арасында – кесек гүлленде;

Юқоридаги инглиз тили мисолларини ўрганишда нутқнинг бир қисмидаги фразеологик антонимлар орасида бир хил маънони англатувчилар аниқланди (ёрдамчи сўзлари билан шаклланади). In heart – out of heart (шағында-йошлы қапа – кеўилсиз) up to date – out of date (заманагөй – гөне ески) at liberty – under lock and key (көйпиз қалленде, төрт жағы кубла – төрт дийўалдың ишинде).

Н.Н. Амосов бундай бирликлар тузилишини битта мустақил маъноли ва битта ёрдамчи лексемали «бир чўккили» фразеологик бирликлар деб атайди. Қорақалпоқ тилида барқарор фразеологик бирикмалар камида иккита мустақил сўз туркумидан ташкил топган қисм (компонент)лардан тузилиши лозим [1:15,18]. Ёрдамчи сўзлар эса, айниқса, инглиз тили олд кўмакчилари грамматик шакл, келишик ёки кўмакчи шаклини белгилловчи сифатида асосий компонентнинг грамматик маъносини тўлдиради. Шунинг учун инглиз тилидаги жуфт фразеологик антонимлар in heart – out of heart, up to date – out of date. At liberty – under the lock and key юқоридаги қорақалпоқ тилининг фразеологик бирикларда мумкин бўлган эквивалентлари билан ифодаланади, қуйидаги контекст эквивалентларни мисол тариқасида келтирамиз:

1. At last. Bettys in her heart. Neville is alive! (Arthur Conan Doyle. The man with the Twisted Lips.);

Қудайға шүқир, Беттидің жүрегі жайына тусті. Невиле тири екен!

- Do not bother her. Nancy is out of her heart.

She has been aware of the accident! (S.Maugham Rain).

Оған тиймей тұр. Ненсидің жүрегі жайында емес. Апатшылық қаққында билип қойған қусайды.

2. An up – to – date thing is an Internet. What you need appears in a few minutes in front of you!

Интернет деген нағыз заманга сай нарсе ғой! Хәб заматта керегин алдында тайын турады.

The whole project of yours is out of date.

Атам заманнан қалған ғой сениң бул жойбарың.

3. If you are not satisfied with my treatment you are at liberty to find another doctor. (Gentleman and Ladies.H. Susan London Hamish Hamilton Ltd 1969)

Егер мениң емлеўим сизге туўры келмесе мейли (сизди услап отырғаным жок) кейпиңиз келлеңизде басқа врач тапсаңызда болады.

The danger has passed. The lion is under lock and key.

Қаўип қа́тер артта қалды. Арсланды қайтып шықпастай еттик. Гилти қолымда.

Мисолларда қорақалпоқ тилига таржима қилишда ёрдамчи сўзлар грамматик боғланиш элементлари

сифатида мустакил сўз туркумларига бирлаштирилган. Кўп компонентли фразеологик антонимлари мавжуд инглизча матнларни қорақалпоқ тилига таржима қилишда юқоридаги қоидаларни ҳисобга олиш зарур.

Икки ва тўрт компонентли фразеологик антонимларга амалий мисоллар келтирамыз:

• **Dry behind the ears** – темир қанат болган

Wet behind the ears – аўзының сарысы кетпеген;

• **Hard in the mouth** – суўлыққа таслайтуғын –(асаў)

Light in the mouth – суўлықтың кереги жок; (жуўас);

• **Fine and dandy** – қадир- қымбатлы

Cheap and nasty –пулы арзанның сорпасы татымас;

Фразеологик антонимлар барча фразеологизмлар каби турли категориядағы сўз туркумларини ўз ичига олиши мумкин. Бу ҳодиса қиёсланаётган тиллардан олинган мисолларда яққол намоён бўлади.

Адъектив компаратив фразеологик бирликлар структурасини тадқиқ қилиш натижалари тадқиқ қилинаётган типдаги фразеологик бирликларнинг энг кўп қўлланилган структур моделлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Тадқиқотда қиёсланаётган тилларнинг компаратив фразеологик бирликлари вариантчилиги муаммоси ўрганилган бўлиб, бунинг натижасида инглиз ва қорақалпоқ тилларининг компаратив фразеологик бирликлари аниқланган.

Тадқиқ қилинган компаратив фразеологизмларнинг семантик таҳлили тўлиқ структур-семантик

эквивалентлар маъно ҳажми ҳамда танлаб олинган лексик воситаларга кўра ўзаро мос қилишни кўрсатди, бу эса ўрганилаётган бирликлар семантикасида сезиларли умумийликни кўрсатади. Эквивалент бирликларда озиқ-овқат махсулот, модда, металл, қотишма, минерал, фойдали қазилма, фауна, флора дунёси вакилларини ифодаловчи от ўхшатиш объекти сифатида иштирок этиши мумкин, уларнинг ҳар бири тадқиқ қилинаётган бирликлар семантикасида муайян роль ўйнайди.

Компаратив фразеологизмлар семантикасини тадқиқ қилиш маълум микдордаги компаратив фразеологизмлар тўлиқ қайта талқин қилинганини кўрсатди. Иккиламчи номинация асосидаги фразеологизмлар инглиз тилида кўпроқ учрайди. Компонент таркиби тўла қайта талқин этилган иборалар қорақалпоқ фразеологизмлари учун хос эмас.

Компаратив фразеологизмлар антонимияси синонимияга қараганда сезиларли даражада кам учрайдиган ҳодиса, бироқ фразеологик антонимлар компаратив фразеологик бирликлар парадигматикасида сезиларли қатламни ташкил этади.

Таҳлил қилинган тил материаллари компаратив фразеологик бирликларнинг структур тузилишида сезиларли умумийликни кўрсатди. Ҳар бир тилдаги адъектив компаратив фразеологизмларнинг ўзига хослиги уларнинг семантикасида яна-да ёркинроқ намоён бўлади.

Адабиётлар

1. Айназарова Г. Симметричные двухкомпонентные фразеологизмы в каракалпакском языке: автореф. дисс... канд. филол. наук. –Нукус: 2000.
2. Алехина А.И. О системных закономерностях антонимии во фразеологии. –Минск: 1975. –С. 19.
3. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. –Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1963. –С. 208.
4. Джумамуратов Т. Русско-каракалпакский фразеологический словарь для школьников. –Нукус: «Каракалпакстан», 1985, –С. 204.
5. Любова А.Н. Адъективные компаративные фразеологизмы в английском, немецком и норвежском языках: общее и специфическое: Дис..., канд. филол. наук. 10.02.04. 2009. –С.207.
6. Наурызбаева С.Т. «Фразеологические единицы в каракалпакско-русском словаре». - Т.: «Фан», 1972.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада инглиз ва қорақалпоқ тиллари компаратив фразеологик бирликлари антонимияси қиёсий таҳлил қилинган. Ишимизда фразеологик антонимия муаммоси фразеологияда синонимияга қарама-қарши категория сифатида ёритилган ва у билан илмий жиҳатдан ҳамбарчас боғлиқликда ўрганилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье приводится анализ антонимии сравнительных фразеологических единиц английского и каракалпакского языков. В данной работе проблема фразеологической антонимии выделена как категория, противоположная фразеологической синонимии и с научной точки зрения изучено в тесной связи с ней.

SUMMARY. This article provides an analysis of the antonymy of comparative phraseological units of the English and Karakalpak languages. In this article, the problem of phraseological antonymy is singled out as a category opposite to phraseological synonymy and from a scientific point of view, is studied in close connection with it.

ШЕКСПИР СОНЕТЛЕРИН КАРАҚАЛПАК ТИЛИНЕ АҶДАРЫҶДЫҢ АЙРЫМ ЛЕКСИКАЛЫҚ ХӘМ СТИЛИСТИКАЛЫҚ МӘСЕЛЭЛЕРИ ХАҚҚЫНДА

З.М.Турсынмуратова – докторант

Әжсинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: шеърый таржима, сонет, пародия, ирония, лиризм, таржиманинг адекватлиги.

Ключевые слова: поэтический перевод, сонет, пародия, ирония, лиризм, адекватность перевода.

Key words: poetical translation, sonnet, parody, irony, lyricism, adequate translation.

Шекспирдың трагедиялары, комедиялары, сонетлери көп заманлардан берли жәхән көлеминде көплеген китап оқыўшыларын театр-сахна шеберлерин, әдебият хәм театр изертлеўшилерин, аўдармашыларды өзине тартып келмекте. Олардың айрымлары ҳаққында (мысалы, «Гамлет» трагедиясы) жазылған мақала, монография, изертлеўлердин көлеми сол шығармалардың өзининг көлемине қарағанда бирнеше жүзлеген мәрте артық деген пикир таралған изертлеўшилер арасында.

Шекспирдин мине усындай оқыўшылардың, аўдармашылардың, изертлеўшилердин дыққат орайынан шетте қалмай қиятырған шығармаларының бири – оның сонетлери.

Шекспирдин аты қарақалпақ оқыўшыларына, әдебий орталығына рус тили арқалы өткен әсирдин 20-30- жылларынан баслап белгили бола басады. Сондай-ақ, бул жыллары Шекспир шығармаларының айрымларының өзбекше, қазақша, татарша аўдармаларының пайда болыўы да үлкен әхмийетке ийе болды. Ал тиккелей қарақалпақ тилине Шекспир шығармалары өткен әсирдин 60-70- жылларында аўдарыла басады. («Отелло», «Ромео хәм Джульетта», «Гамлет», «Юлий Цезарь»; «Отелло» трагедиясы сахналастырылды (1970).

Ал Шекспирдин сонетлерине келетуғын болсақ, оларды аўдарыўға биринши қол урған шайыр - Ибраһым Юсупов болды. Ол Шекспирдин бир неше сонетлерин үлкен шеберлик пенен аўдарып қарақалпақ